



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100011, Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 4, tel.: (998 71) 241-08-95, 241-68-95,  
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@exat.uz

2022 йил “11” октябрь  
08-31284 - сон

**Қорақалпогистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги,  
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош  
бошқармаси, вилоятлар соғлиқни  
сақлаш бошқармалари,  
Вазирлик тасарруфидаги тиббиёт  
Олий таълим муассасалари ва илмий  
ташкилотларга  
Президент Администрацияси  
хузуридаги Тиббиёт бош  
бошқармасига**

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази  
томонидан режалаштирилган «Метаболик синдром: профилактика,  
даволаш, реабилитация» мавзусидаги халқаро мутахассислар  
иштирокидаги X Республика илмий-амалий анжуманини  
ўтказиш тўғрисида**

**КЎРСАТМА ХАТ**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йилга  
мўлжалланган асосий ташкилий тадбирлар режаси ижросини таъминлаш  
мақсадида:

1. 2022 йилнинг 14 октябрь куни Тошкент шаҳри Тиббиёт  
ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида «Метаболик  
синдром: профилактика, даволаш, реабилитация» мавзусидаги халқаро  
мутахассислар иштирокидаги X Республика илмий-амалий анжумани гибрид  
шаклда ўтказилсин.
2. Анжуман иштирокчилари ўринлари тақсимоти иловага мувофиқ  
тасдиқлансин.
3. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази  
директори (Х. Акилов), Фан ва таълим бошқармаси бошлиги (У. Исмаилов),

Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи (У. Рискиев) анжуманга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда, белгиланган муддатда юқори илмий ва ташкилий савияда ўтказилишини таъминласин.

4. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори Х.Ақиловга:

- сертификатларни тайёрлаш ва анжуман иштирокчиларини ўрнатилган тартибда сертификатлар билан таъминлаш амалга оширилсин;

- анжуманни ўтказиш билан бөглиқ бўлган барча сарф-харажатлар ҳомийлар ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин;

- анжуман эпидемиологик ҳолатни инобатга олиб, қатъий профилактик чоралар кўрилган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон Қарори билан тасдиқланган “Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари”га мувофиқ ўтказилиши ва анжуман ўтказилганлиги тўғрисида ҳисоботни З қун муддат ичида Фан ва таълим бошқармасига тақдим этилиши таъминлансин.

5. Тадбир ишини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш Матбуот ва PR хизмати раҳбари Ф. Санаевга юклатилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, тиббиёт олий ўқув юртлари ректорлари, илмий-ташкилотлар директорларига иловаға мувофиқ анжуман ишида қатнашиш учун ўз вакилларини қатнашишини таъминласин.

7. Анжуман иштирокчиларининг хизмат сафари билан бөглиқ харажатлари иш жойидан қопланиши назоратга олинсин.

8. Ушбу кўрсатма хат ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдирман.

Вазирнинг  
биринчи  
ўринбосари



А.Иноятов

Ижрочи: Н.Арифджанова  
ID: 100528  
Сана: 11.10.2022